


НАРХЛАР


2018 йилнинг I ярим йиллигида истеъмол товарлари ва хизматлар нархлари индекси ўртача 6,2 %га ошди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида истеъмол нархлари индекси, %



Истеъмол нархлари индекси 2018 йилнинг июнь ойида 2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан 106,2 %ни, жумладан, товарлар 105,6 % ва хизматлар 108,0 %ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари индекси, %



2018 йилнинг январь-июнь ойлари давомида озиқ-овқат маҳсулотлари 4,7 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархлари эса 6,7 %га кўтарилди.


2018 йилнинг январь-июнь ойларида асосий гуруҳлар бўйича истеъмол нархлари индекси, %



Озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 0,8 %ни ташкил этган.

2018 йилнинг II чораги давомида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи нархларининг ўзгариши

(ўтган ойга нисбатан, %)



2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан нон, гўшт ҳамда сут маҳсулотлари нархи сезиларли даражада қимматлашди.

**2018 йилнинг январь-июнь ойларида асосий турдаги озиқ-овқат
маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси**
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида гуруч 36,5 %, тирик ва музлатилган балиқ 29,7 %, мол гўшти (суяксиздан ташқари) 17,6 %, қўй гўшти 16,6 %, гўшт қиймаси 11,4 %, лаҳм (суяксиз) мол гўшти 10,4 %, сузма 12,5 %, қаймоқ 7,5 %, сариёғ 6,9 %, сут 6,0 %, шунингдек, ароқ ва спиртли ичимликлар нархи ўртача 12,3 %га сезиларли даражада қимматлашди.


Маҳсулотларнинг ички бозорларда тўйинганлиги натижасида тухум 19,1 %га, шакар 11,4 %га, парранда гўшти (сон қисмлардан ташқари) 10,1 %, товуқ болдири, сон қисмлари нархлари 5,0 %га арзонлашди.

Мева-сабзавот маҳсулотларидан юқори суратларда карам 47,0 %, олма 43,7 %, сабзи 39,1 %, цитрус мевалар 24,3 %, нок нархлари ўртача 16,4 %га қимматлашди. Наҳларнинг ошиш баробарида бодринг 75,5 %га, помидор 68,4 %га, пиёз 37,9 %га ва саримсоқ пиёз нархлари 18,7 %га арзонлашди.

Спиртли ичимликлар нархларининг қимматлашишининг асосий сабабларидан бири, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб ушбу маҳсулотларга бўлган янги акциз солиқларининг қўлланилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 5 март кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3583-сон Қарорига асосан 2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб пиво ва ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган қўшимча тўловларнинг жорий қилинганлигидир.

2018 йилнинг январь-июнь ойлари давомида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,1 %ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида асосий турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлар гуруҳи нархлари индекси
(ўтган ойга нисбатан, %)



Жорий йилнинг I ярим йиллиги давомида асосий нарх ўсиши ҳолати қурилиш материаллари нархларида 17,3 %, тамаки маҳсулотларида 15,2 %, босма-нашр маҳсулотларида 14,9 % ҳамда автомобиллар учун ёқилғи нархларида 13,6 %лик ўсиш суръатлари қайд этилди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида асосий турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларининг истеъмол нархлари ўзгариши

(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)

Гурухлар номи	Нарх индекси
Кийим	106,0
Оёқ кийим	105,4
Қурилиш моллари	117,3
Мебель	104,2
Гилам ва гилам маҳсулотлари	103,9
Маиший тўқимачилик маҳсулотлари	106,3
Ювиш ва тозалаш воситалари	103,0
Дори-дармонлар	102,7
Автомобиль учун эҳтиёт қисмлар	103,4
Автомобиллар учун ёқилғи	113,6
Китоблар, газеталар ва журналлар	114,9
Шахсий гигиена маҳсулотлари	105,6
Тамаки маҳсулотлари	115,2

Қурилиш материаллари нархларининг кўтарилиши асосан истеъмолчилар томонидан ушбу маҳсулотларга бўлган талабнинг ошиб бориши ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувларнинг ҳаражатларининг кўпайиши билан боғлиқ. 2018 йилнинг 1 январидан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Табиий газ ва электр энергияси етказиб бериш ва реализация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 1025 Қарори асосида алоҳида турдаги (ғишт, цемент, гипс, ва ҳ.к.) қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари учун фойдаланиладиган табиий газ ҳамда электроэнергия нархларининг оширилган коэффициент тарифлари жорий этилди. Ғишт маҳсулотларининг ўртача истеъмол нархи йил бошидан 53,3 %га, цемент 20,5 %га, шпатлёвка 17,0 %га, гулқоғоз 12,0 %га, шифер 9,7 %га, ёғоч маҳсулотлари 9,3 %га ва бўёқлар 8,4 %га қимматлашди.

Автомобиллар учун газ ёқилғиси нархлари даражасидаги ўзгаришлар ЁММ бозоридаги вазият ҳамда биржа нархларидаги тебранишлар, шунингдек, табиий газ учун тўловларнинг қимматлашиши натижасида содир бўлди. Йил бошидан пропан 54,2 %га, метан нархи эса 21,7 %га ошди.

«UzBAT A.O.» ҚҚ АЖ ишлаб чиқараётган маҳсулотларига нисбатан акциз солиқ ставкаларининг кўтарилиши натижасида истеъмол бозорларида сотилаётган тамаки маҳсулотларининг умумий нархлари қимматлашишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3583-сон Қарорига асосан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган кўшимча тўловларнинг жорий қилиниши натижасида жорий йилнинг II ярим йиллигидан бошлаб тамаки маҳсулотлари нархлари қимматлашиши кутилмоқда.

Босма нашр маҳсулотлари нархларининг сезиларли даражада қимматлашиши 2018 йилнинг январь ойида кузатилган бўлиб (ой давомида ўртача 13,9 %), республикада чоп этилувчи рўзнома, журнал ва китоблар нархларининг ошиши билан тавсифланади.


Аҳоли учун пуллик хизматлар нархлари индекси даражаси йил бошидан 8,0 %га ошиб, ойлик ўртача ўсиш суръати 1,3 %ни ташкил қилган.

Аҳоли учун алоҳида турдаги пуллик хизматлар тарифлари индекси, %

	<i>ўтган ойга нисбатан</i>			<i>2018 йил июнь 2017 йил декабрь ойига нисбатан.</i>
	<i>апрель</i>	<i>май</i>	<i>июнь</i>	
Маиший турдаги хизматлар	101,3	101,0	100,4	106,5
Уй-жой коммунал хизматлари	109,3	102,3	100,0	112,6
Йўловчи транспорти хизматлари	100,5	102,3	101,4	107,9
Маданият муассасалари хизматлари	100,4	100,1	100,0	101,1
Мактабгача таълим муассасалари хизматлари	96,6	100,0	100,0	108,1
Спорт хизматлари	101,4	101,6	100,0	104,1
Дам олиш хизматлари	100,2	101,9	100,0	116,8


Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида нархларнинг ошиши борасидаги етакчилик уй-жой коммунал ҳамда дам олиш хизматлари соҳасига тегишлидир.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида асосий турдаги уй-жой коммунал хизматларининг истеъмол нархлари индекси (ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Дам олиш хизматлари орасида сиҳатгоҳлар ва дам олиш уйларига бориш учун йўлланмалар нархи 24,1 %га, меҳмонхоналарда яшаш 11,2 %га ва сайёҳлик сафарлари нархи ўртача 5,1 %га қимматлашди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида асосий турдаги йўловчи ташиш транспорти хизматларининг истеъмол нархлари индекси
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Темир йўл транспорти тарифларида нархлар ўртача 13,8 %га кўтарилди. Узок масофага қатновчи поезд чипталари нархларининг қимматлашиши жорий йилнинг февраль ойида кузатилган бўлиб, бунда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ўз ҳисоб-

китобларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан швейцария франкининг сўмга нисбатан ўрнатиловчи қийматидан фойдаланилиши натижасида содир бўлди (аввалги ҳисоб-китобларда 2017 йил 29 августдаги қайд этилган 1 швейцария франки – 4405 сўм қийматидан фойдаланилган). Нархларни барқарорлаштириш мақсадида, плацкорт нархлари бўйича ҳисобланадиган тариф коэффициентлар миқдори пасайтирилди.

Хаво йўл транспорти хизматлари йил бошидан ўртача 3,5 %га қимматлашди. Бу эса миллий валютаамизнинг еврога нисбатан қийматининг ўзгариши, шунингдек, ички ва халқаро йўналишлардаги тарифларнинг қайта кўриб чиқилиши билан бевосита боғлиқ. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, июнь ойида чипталар нархининг ўртача 3,5 %га арзонлашгани еврога нисбатан миллий валютаамиз қийматининг мустахкамланиши натижасидир.

Маҳаллий ҳокимлик органларининг қарорлари билан бир қатор ҳудудларда шаҳар автобус йўналишларида йўл ҳақи оширилган. Йўл ҳақининг Андижон, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида 66,7 %га, Сирдарё вилоятида 60,0 %га, Хоразм вилоятида 42,9 %га, Самарқанд вилоятида 33,3 %га, Бухоро вилояти ҳамда Қорақалноғистон Республикасида 28,6 %га ошганлиги республика умумий кўрсаткичининг 26,8 %га кўтарилишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сон Қарори асосида айрим ҳудудларда мактабгача таълим муассасалари хизматлари тўловлари оширилди. Истисно тариқасида, Навоий вилоятида ушбу тўлов қиймати пасайтирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3571-сон Қарори асосида Бухоро, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятларида МТМ хизматлари учун тўловлар қийматининг қўшимча равишда пасайтирилиши тасдиқланди. Биринчи ярим йиллик якунларига кўра, республика бўйича тўловлар миқдори ўртача 8,1 %га қимматлашди.

Асосан шахсий мулкдорлар субъекти томонидан кўрсатиладиган маиший тоифадаги хизматлар нархи кўрсатиладиган хизматлар таннархдан келиб чиқиб ўзгарувчи тарифлар, шунингдек, талаб ва таклиф натижасида йил бошидан нархлар ўртача 6,5 %га кўтарилди. Нархлари бирмунча сезиларли даражада қимматлашган хизмат турлари куйидагилардан иборат: пойабзал таъмирлаш 10,6 %, сартарошхона ва косметолог хизматлари 9,1 %, кийим тикиш 8,0 %, хаммом ва душ хизматлари 7,9 %, уй-жой таъмири хизматлари 7,4 %, ижара хизматлари 6,9 %, диний маросим хизматлари 6,6 %га қимматлашди. Қолган маиший турдаги хизматлар нархи гуруҳнинг ўртача даражасидан юқори суръатларда ошмади (6,5 %).

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси 2018 йилнинг январь-июнь ойларида 11,7%га ошиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 1,9 %ни ташкил этди.

Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархларн индекси, %

	<i>Ўтган ойга нисбатан</i>			<i>2018 йил июнь 2017 йил декабрь ойига нисбатан</i>
	<i>апрель</i>	<i>май</i>	<i>июнь</i>	
Саноат фаолияти	104,1	101,8	100,9	111,7
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	100,3	100,4	103,7	104,9
Кўмир ва лингит қазиб олиш	100,0	100,0	179,7	179,7
Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	100,0	100,0	100,1	100,1
Темир рудасини қазиб олиш	100,0	100,0	100,0	100,0
Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	104,5	105,7	100,1	118,7
Ишлаб чиқариш саноати	101,1	101,9	100,6	109,7
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	99,7	99,8	100,5	104,1
Ичимликлар ишлаб чиқариш	100,1	100,2	104,3	109,8
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,1	106,2	100,2	110,5
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,3	100,2	103,9	105,9
Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш	104,2	104,9	100,0	116,1
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	106,0	103,9	101,9	129,1

	<i>Ўтган ойга нисбатан</i>			<i>2018 йил июнь 2017 йил декабрь ойига нисбатан</i>
	<i>апрель</i>	<i>май</i>	<i>июнь</i>	
Металлургия саноати	102,0	99,8	97,5	103,8
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	100,4	100,0	103,0	136,2
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	101,6	102,9	99,1	105,8
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	102,1	100,0	100,7	110,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	134,3	101,6	100,9	132,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	104,6	106,9	100,0	118,2

Юқоридаги маълумотлардан яққол кўриниб турибдики, жорий йилнинг июнь ойигача нархларнинг асосий ўсиши тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолиятида кўмир ва лингит қазиб олишнинг сезиларли даражада ошганлиги натижасида содир бўлган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 30 майдаги деклорациясига асосан, тошкўмир ва лингит қазиб олиш 1,8 баробарга оширилган.

2018 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарувчилар, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолияти нархлари индекси, %



Ушбу фаолият турига мансуб бўлган бошқа турдаги маҳсулот, яъни каолин I ярим йиллик давомида 1,6 баробарга, табиий қум 29,0 %га, оҳак 26,9 %га, майдаланган тош 17,2 %га, ёдгорликлар, пардозлаш ёки қурилиш ишлари учун гранит, қумтош ва бошқа тошлар 8,4 %га ва гравий нархлари 7,0 %га ошди.

2018 йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг тебраниши ўсишга нисбатан барқарор тенденция билан тавсифланади.

2018 йил январь-июнь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, %



**2018 йилнинг январь-июнь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб
чиқарувчилар нархлари индекси**
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Диаграммада акс эттирилишича, бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш (машина ва ускуналардан ташқари) ҳамда бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турлари нархларнинг ўсиши бўйича биринчи учликни эгаллаб туришибди.

Нархлар динамикасининг таҳлили бўйича бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш соҳасида асосий ўсиш февраль ойида 1,6 баробар ва март ойида 18,4 %га ўсиши кузатилган.

Тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш соҳасидаги нархларнинг ўсиши, ишлаб чиқарилган қурилиш металлконструкциялар ва буюмларининг 31,2 %га, алюминийдан ошхона анжомлари, қўлбола металл асбоблар ёки бошқа маиший буюмлар нархининг 14,3 %га ошиши билан боғлиқ.

Бошқа турдаги нометалл маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўз товарлари нархларини ўртача 29,1 %га оширдилар. Жумладан, қурилиш ғиштлири, оҳак ва қурилиш гипслари нархи ўртача 1,8 баробарга, ўтга чидамли керамик ғиштлар 59,3 %га, асфальт қоришмалари 38,6 %га, қайта ишланган ва шакллантирилган шишалар 30,6 %га, портландцемент 29,3 %га ва бетон, гипс, цементдан ишланган қурилиш буюмлари 5,6 %га ошди. Шу билан бир қаторда, тош кесиш ва унга ишлов ҳамда безак бериш нархлари 14,8 %га арзонлашди.

Матбаа фаолияти ва унга тааллуқли хизматлар нархининг ошиши жорий йилнинг январь ва апрель ойларида мос равишда 19,5 % ва 6,8 %га қимматлашганлиги, бевосита уларнинг ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ошганлиги билан боғлиқ.

Мебель ишлаб чиқариш саноатида ташкилотлар учун ёғочдан ишланган мебель жиҳозларининг 18,3 %га ва бошқа турдаги мебелларнинг нархлари 25,9 %га қимматлашди.

Кимё саноатида 2018 йилнинг 1 ярим йиллигида нархлар ўзгариши куйидаги кўринишда акс этган:

2018 йилнинг январь-июнь ойларида алоҳида турга мансуб кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари саноатида гилам ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш 26,2 %га, бошқа турдаги техник ва тўқимачилик саноати буюмлари 25,9%га ошиши кузатилган. Бундан ташқари пахта ва ипак толаларини қайта ишловчи корхоналар ўз маҳсулотлари нархларини мос равишда 5,8 % ва 5,7 %га оширдилар.Тўқимачилик пахтаси ишлаб чиқариш эса аксинча 13,4 %га арзонлашди.

Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий нарх ўзгаришлари 2018 йилнинг февраль ва март ойлари давомида қайд этилиб, ой давомида нархлар мос равишда 2,6 % ва 4,7 %га қимматлашди. Умумий тарзда олганда, жорий йилнинг I-ярим йиллик давомида прицеп ва яримприцеплар 56,9 %га, автотранспорт воситалари учун бутловчи қисмлар ва аксессуарлар 46,4 %га қимматлашди, жумладан, хавфсизлик камари, хавфсизлик ёстикчаси ва автомобиль корпусига тегишли бошқа қисмлар 1,7 баробарга, автомобиль ўриндиғи 1,6 баробарга, радиаторлар, шовқин сўндиргичлар ва чивариш қувурлари ва уларнинг қисмлари 25,7 %га ва бошқа транспорт қисмлари 42,5 %га қимматлашди. Моторли транспорт воситалари нархлари жорий йилнинг I-ярим йиллигида ўзгаришсиз қолди.

2018 йилнинг июнь ойида ишлаб чиқарувчилар нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари нархини ой давомида ўртача 3,9 % га оширдилар. Жорий йилнинг январь-июнь ойлари оралиғида керосин нархи қарийб 5,1 баробарга, авиация бензини 2,4 баробарга, печ ёқилғилар нархлари 2,0 баробарга, ёғлаш учун ишлатиладиган нефт мойлари 42,5 %га ва нефт битуми 15,6 %га қимматлашди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги “Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъмолчиликлар ва талон-тарожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3386-сон Қарори асосида Вазирлар Маҳкамасининг “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 289-сон Қарорининг қайта кўриб чиқилиши, шунингдек, монопол маҳсулотларнинг рўйхатини ва турларини кескин қисқартириш, монополияга қарши курашишни тартибга солишнинг халқаро принципларига ўтишни таъминлаш масадида амалга оширилган ишлар натижасида нархлар даражасининг ўсиш ҳолати қайд этилган

Бошқа турдаги ишлаб чиқариш саноати маҳсулотлари нархларининг ўзгариши қуйидаги кўринишда акс этган:


**Бошқа турдаги ишлаб чиқариш саноати маҳсулотлари
нархларининг ўзгариши, %**

	<i>Ўтган ойга нисбатан</i>			<i>2018йил июнь 2017 йил декабрга нисбатан</i>
	<i>апрель</i>	<i>май</i>	<i>июнь</i>	
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	100,0	100,0	99,7	106,6
Кийим ишлаб чиқариш	98,4	102,1	100,0	100,6
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,0	100,0	100,0	99,8
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	100,0	104,2	100,0	104,2
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	101,4	98,9	100,4	103,1
Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,0	113,3	100,0	103,8
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	100,0	100,1	102,6	102,7

Чарм ва унга боғлиқ бўлган маҳсулотлар нархлари январь-июнь ойлари давомида ўртача 1,4 %га пасайди, компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш маҳсулотлари нархлари 2017 йилнинг декабрь ойидаги нархлар даражасидан ошмаган.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш нархлари индекси куйидаги ўзгаришлар натижасида юзага келди, яъни, иссиқлик ҳамда электр энергия тарифларининг мос равишда 38,0 % ва 33,5 %га, шунингдек, кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ нархи 15,0 %га ва газ билан таъминлаш тизими орқали газсимон ёқилғини тақсимлаш хизматларининг 27,1 %га ошиши шулар жумласидандир.

2018 йил январь-июнь ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси
(ўтган ойга нисбатан, %)



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

■ ўтган ойга нисбатан

■ ўтган ойга нисбатан

—■ ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан

—▲ ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳасидаги нархлар 2018 йилнинг I- ярим йиллиги давомида ўртача 18,2 %га ошди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида оқова сувларга ишлов бериш, транспортировка қилиш ва йўқотиш 27,5 %га, сувни йиғиш, қайта ишлаш ва тақсимлаш 16,9 %га ҳамда таркибида алюминий бўлган иккиламчи хом ашё маҳсулотлари 19,8 %га қимматлашди.